

**РИЁЗУС-СОЛИҲИЙН**  
**ШАРҲИ**  
**Ҳаж боблари**  
**Мабрур ҳаж ҳақидаги ҳадислар шарҳи**  
**3**  
[ Ўзбекча ]

**3**

[ اللغة الأوزبكية ]

**Абу Абдурахмон Насафий**  
**أبو عبد الرحمن النسفي**

**Мухаррир:** Дорул Ислом тахририяти

مراجعة: فريق عمل الأوزبكي

**Риёз шаҳри Робва маҳалласи диний тарғибот бўлими**

المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة بمدينة الرياض

2008 – 1429

islamhouse.com

## Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Алҳамду лиллаҳи Роббил-Ъаламийн вассолату вассаламу ала ашрафил анбия вал мурсалийн набиййина Муҳаммад ва ала олиҳи ва асхабиҳи ва ман табеъаҳум биэҳсанин ила явмиддийн.

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ! Азиз ва муҳтарам мусулмон биродарлар.

Ушбу дарс имом Нававийнинг Риёзус-солиҳийн номли китобидаги (Ҳаж китоби)га қилинган шарҳнинг давоми бўлиб, унда мабрур ҳаж энг афзал амаллардан бири экани, ҳажни ўз ўрнига қўйиб бажарган киши онасидан туғилгандек гуноҳлардан холи бўлиши, умранинг гуноҳларга каффорат бўлиши ва уни адо этиш йўл-йўриқлари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек саҳоба аёлларнинг солиҳ амалларга бўлган иштиёқларию, улар учун энг афзал жиҳод мабрур ҳаж экани ҳам зикр қилинади. Оллоҳ таъолодан ҳаммамизга фойдали илм ато этиб, солиҳ амаллар қилишга муваффақ қилишини сўраб қоламиз.

: : : :  
. : :  
.

Яна Абу Ҳурайра (*розияллоҳу анҳу*) ривоят қилиб дейдилар: “Пайғамбар (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*): “Энг афзал амал нима?”-деб сўралган эдилар: “Оллоҳга ва унинг элчисига иймон келтириш.”-дедилар. “Кейинчи?”-дейилган эди: “Оллоҳ йўлида жанг қилиш.”-дедилар. “Ундан кейинчи?”-деб сўралган эдилар: “Мабрур ҳаж.”-деб жавоб бердилар.” (*Муттафақун алайҳ*)

### Шарҳ:

Ибни Ражаб (*роҳимаҳуллоҳ*): “Амалларнинг энг афзали Оллоҳ таъоло бандаларига фарз қилган амаллар эканида шак-шубҳа йўқ. Бандаларга вожиб бўлган фарзларнинг энг афзали дил билан тасдиқ ва тил билан нутқ қилган ҳолда Оллоҳ ва Унинг элчисига иймон келтиришдир. Бу эса калимаи шаҳодатни айтиш бўлиб, Пайғамбаримиз (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) шу билан пайғамбар қилиб жўнатилганлар ва шу учун жанг қилишга буюрилганлар.”-деган эканлар. (*Фатҳул-Борий, Ибни Ражаб, 4/18*)

Ушбу ҳадисда зикр қилинган афзал амаллардан иккинчиси Оллоҳ йўлида жиҳод қилиш экан. Бу ҳақида ҳам кўплаб оят ва ҳадислар ворид бўлган. Зиммасидаги фарз ҳажни адо қилмаган киши учун эса ҳаж қилиш афзал бўлади, чунки у ислом рўкнларидан бири бўлиб шу кишига нисбатан фарзи айн ҳисобланади.

Мабрур ҳаж деб унда риёкорлик, шаҳватга оид амаллар ва гуноҳ ишлар қилинмаган ва ҳалол мол сарфланган ҳажни айтилади. Ибни Умар (*розияллоҳу анҳу*): “Мабрур ҳаж одамларга овқат едириш ва яхши ҳамсуҳбат бўлиш.”-деган эканлар. Савр ибни Язид (*роҳимаҳуллоҳ*) шундай деган эканлар: “Кимда ким ушбу уй (*яъни Каъба*)ни қасд қилиб келсаю, лекин унда учта хислат; яъни: ғзабини босадиган ақли, Оллоҳ ҳаром қилган нарсалардан тийилиши ва ҳамроҳига яхши ҳамсуҳбати бўлмаса, унинг ҳажни саломат бўлмайди.” Бир киши Ҳасан (*роҳимаҳуллоҳ*)дан: “Эй Абу Саъийд, мабрур ҳаж нима?”-деб сўраганда: “Дунёдан воз кечган ва охиратга қизикқан ҳолда қайтишлик.”-деб жавоб берган эканлар. (*Ал-истизкор, Ибни Абдил-Барр, 4/104-105*) Ибни Холавайҳ (*роҳимаҳуллоҳ*): “Мабрур ҳаж деб қабул қилинган ҳажни айтилади.”-деган бўлсалар, бошқалар: “У гуноҳ аралашмаган ҳаж.”-дейишган экан. Мана шу фикрни Нававий (*роҳимаҳуллоҳ*)

қўллаб-қувватлаган эканлар. Имом Қуртубий (*роҳимаҳуллоҳ*) эса: “Мабрур ҳажнинг маъносида зикр қилинган сўзлар ҳаммаси бир-бирига яқин маънода бўлиб, бу маъно – аҳкомлари бенуксон қилиниб, мукаллафдан талаб қилинганидек тўла-тўқис адо қилинган ҳаждир.”-деган эканлар. (*Фатҳул-Борий, Ибни Хажар, 4/329*)

:  
.

Яна Абу Хурайра (*розияллоҳу анҳу*) ривоят қилиб: “Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*): “Кимда ким аёлига шахвоний муносабатда бўлмаган, фосиқлик қилмаган ҳолда ҳаж қилса, онасидан туғилган кундагидек (*беғуноҳ*) бўлиб қолади.”-деганларини эшитдим.”-дейдилар. (*Муттафақун алайҳ*)

## Шарҳ:

Яъни шу ҳолда ҳаж қилган шахс худди онасидан туғилган кундагидек гуноҳсиз қайтар экан, чунки ҳажда қилган амаллари унинг барча гуноҳларига каффорат бўлар экан. (*Ал-мунтақо шарҳул-Муваммто, 3/15*) Рафасни баъзи уламолар уят сўзлар дейишган. Кўпчилик уламолар рафасдан мақсад жимоъ қилиш дейишиб, бунга Оллоҳ таъолонинг:

(*с. 1*)

яъни: “Сизларга рўза кечасида хотинларингизга қўшилиш ҳалол қилинди.” (*Бақара: 187*)-деган оятини далил қилишган экан. Баъзилар эса: “У хотинга қўшилишни очикча зикр қилиш.”- дейишган экан. Азҳарий (*роҳимаҳуллоҳ*) айтишларича: “Рафас эркак киши аёлдан хоҳлайдиган ҳамма нарсани жамловчи сўз” экан. Ибни Аббос (*розияллоҳу анҳума*) уни фақат аёлларга қилинган хитобга хос дер эдилар. (*Саҳиҳ Муслим шарҳи, Нававий, 5/13*)

Имом Муслим ривоят қилишларича Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) Амр ибнил-Ос (*розияллоҳу анҳу*)га: “...ҳажнинг ҳам ўзидан олдинги гуноҳларни йўқотишини билмадингми?!”-деган эканлар. (*Муслим ривояти, 1/112, ҳадис рақами: 192*)

Имом Насоий Абдуллоҳ ибни Масъуддан ривоят қилишларича Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*): “Ҳаж ва умрани тез-тез қилиб турунглар, чунки бу иккаласи фақирлик ва гуноҳларни худди босқон темир, олтин ва кумуш кирларини кетказганидек йўқотиб ташлайди. Мабрур ҳаж учун Жаннатдан бошқа савоб йўқ.” –деган эканлар. (*Насоий ривояти, 5/122, ҳадис рақами: 2630*)

Яна ҳадисда зикр қилинган фикс сўзи гуноҳ қилиш, Оллоҳнинг бўйруғини тарк қилиш ва ҳақ йўлдан чиқиш деган маънода ишлатилади. Ҳадисда оятга таяниб, жидол, яъни жанжал-сурон сўзи зикр қилинмаган. (*Умдатул-Қорий шарҳу Саҳийҳил-Бухорий, 14/206-207*) Чунки оятда қўйидагича келган: “Ҳаж (*мавсуми*) маълум ойлардир. (*Яъни Шаввол, Зулқадда ва Зулҳижжа ойининг ўн куни*). Демак, ким шу ойларда ўзига ҳажни фарз қилса (*ҳаж қилишни ният қилса*), ҳаж давомида (*жуфтига*) яқинлашмайди, гуноҳ ишлар ва жанжал-сурон қилмайди.” (*Бақара: 197*)

:  
.

Яна Абу Хурайра (*розияллоҳу анҳу*)дан ривоят қилинишича: “Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*): “Умра иккинчи умрагача шу иккаласи орасидаги гуноҳларга каффрат бўлади. Мабрур ҳажнинг эса Жаннатдан ўзга мукофоти йўқ.”-деган эканлар. (*Муттафақун алайҳ*)

## Шарҳ:

Умра араб тилида зиёрат қилиш маъносида ишлатилади. Айтилишича: у имаротул Масжидил-ҳаром (яъни Масжидил-ҳаромни обод қилиш) сўзидан олинган экан. (*Фатҳул-Борий, Ибни Ҳажар, 5/469*) Умранинг ҳукми тўғрисида уламолар икки хил фикр билдирганлар:

- Имом Шофеъий ва имом Аҳмадлар умра қилиш вожиб дейишган.
- Имом Абу Ҳанифа ва имом Моликлар эса умра қилиш суннат деб айтишган.

Уламолар ҳаж амалларини қилишга киришмаган киши учун йилнинг барча кунларида умра қилиши жойиз эканига иттифоқ қилишган, лекин ханафий уламолар умрани Арафа, Қурбонлик ва Ташриқ кунларида қилиш макруҳ дейишган экан. (*Фатҳул-Борий, Ибни Ҳажар, 5/471*)

Шу ўринда умра қилиш сифатини зикр қилиш ўринли деб ўйлаймиз. Умра ибодати эҳром, тавоф, саъй ва сочни кирдириш ёки қисқартиришдан иборат. Эҳром эса умра ёки ҳаж ибодатига киришни ният қилиш. Умрага эҳром боғламоқчи бўлган киши имкони бўлса, ғусл қилади, хушбўйлик суради, сўнг ўз мийқотидан эҳром либоси бўлмиш изор ва ридони кияди. Аёллар эса хоҳлаган кийимларини ясан-тусансиз кийишади. Улар ниқоб ва қўлқоп кийишмайди ва юзларини бегона кишилар олдида беркитишади. Бошқа вақтларда эса очиб юришади, чунки уларнинг эҳромлари юз ва қўлларида бўлади. Имом Дароқутний Ибни Умардан ривоят қилишларича Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*): “Аёлнинг эҳроми юзида, эркак кишиники бошида.”-деган эканлар. (*Сунани Дароқутний, 2/294*) Сўнг: “Лаббайка умратан, лаббайкаллоҳумма лаббайка лаббайка ла шарийка лака лаббайка иннал ҳамда ван неъмат лака вал мулка ла шарийка лака.”-деб умрани ният қилади. “Талбия”нинг маъноси қўйидагича: “Лаббай, эй, Аллоҳим! Сен шериксиз ягонасан, лаббай! Ҳамду-сано, неъмат ва мулк Сен учундир! Сенинг шеригинг йўқдир!” (*Муслим ривояти, 7/397, ҳадис рақами: 2868*) Талбияни баланд овозда айтиш эркаклар учун суннат, чунки овозни кўтаришда Оллоҳнинг маросимларини изҳор қилиш ва тавҳидни ошкор қилиш бор. Аёллар эса талбияни ҳам бошқа зикрларни ҳам баланд овозда айтишмайди. Йўл давомида кўп зикр, дуо ва талбия айтади. Эҳромга кирмоқчи бўлган киши касаллик ё кечикиш каби умра ё ҳажни охирига етказишдан тўсадиган тўсиқлардан чўчиса, эҳромга киришдан олдин: “Ин ҳабасаний ҳаабисун фамаҳиллий ҳайсу ҳабастаний”-деб шарт қилиб олиши суннат саналади. Маъноси: “Агар умра ё ҳажимни охирига етказишдан тўсадиган касаллик ё кечикиш каби тўсиқлар чиқиб қолса, мен эҳромимдан чиқиб кетаман”-дегани. Бу каби нарсалардан чўчимаган киши шарт қилиши керак эмас. Умрадаги талбияни эҳромдан бошлаб то тавофга киришгунча айтилади. Маккага етиб боргач, умраси учун Каъбани етти марта тавоф қилади. Тавофнинг бошланиши ҳам тугаши ҳам Қора тошдан ҳисобланади. Қора тошни ўнг қўли билан силайди. Имкон топса, ўпади. Буни Қора тош фойда ё зарар етказа олади деб эътиқод қилиб эмас, балки Оллоҳни улуғлаб ва Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*)га эргашиб қилади. Тошни ўпишга имкон топмаса, уни қўли билан силаб, қўлини ўпади. Қўли билан силашга имкон топмаса, одамларга тикилмайди, чунки тикилинч ўзига ҳам бошқаларга ҳам озор беради, хушўъни

кетказди ва тавофни ибодатлик хусусиятидан чиқариб юборади. Гоҳида у сабабли жанжал-сурон келиб чиқади. Шунинг учун узоқдан бўлса ҳам кўли билан ишора қилиши унга кифоя қилади. Тавоф қилаётганда Каъбани чап тарафида қолдириб айланади. Рукни ямонийга етгач имкони бўлса, уни ўпмасдан кўли билан силайди. Имкон топмаса, одамларга тикилмайди. Каъбадан фақат Қора тош ва Рукни ямонийгина кўл билан силанади, чунки иккаласи Иброҳим (алайҳис салом) қурган пойдевор устига қурилган бўлиб, Пайғамбаримиз фақат иккаласини силаган эканлар. Рукни ямоний билан Қора тош орасида Бақара сурасининг 201-оятда келган:

۲۰۱:

“Роббана аатина фид дуня ҳасанатан ва фил аахироти ҳасанатан ва қина азабаннаар”-деган дуони айтилади. Маъноси: «Парвардигоро, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато қилгин, охиратда ҳам яхшилик ато этгин ва бизни дўзах азобидан асрагин». Қачон Қора тошни тўғрисида келса, юкорида ўтган амаллардан имконида борини қилади ва “Оллоҳу акбар”-дейди. Тавоф қилаётганда ўзи хоҳлаган зикр, дуо ва тиловатларни қилади, чунки Каъбани тавоф қилиш, Сафо ва Марва орасида саъй қилиш ва Жамаротларга тош отиш Оллоҳ зикрини адо этиш учун машруъ қилинган. Ушбу тавофда эркаклар учун тавофнинг ҳаммасида изтибоъ қилишлари ва аввалги учта тавофда рамал қилишлари суннат. Изтибоъ деб ўнг елкани очиб ридонинг ўртасини ўнг кўлтик остига, икки тарафини эса чап елка устига ташлаб қўйишга айтилади. Рамал эса кичик қадамлар босиб тез юриш, ёки лўккиллаб юриш дегани. Тавофни етти марта қилгандан сўнг Мақоми Иброҳимнинг олдида бориб Бақара сурасининг 125-оятда келган:

۱۲۵:

оятини ўқийди. Маъноси: “...**ва Иброҳимнинг (Каъбатуллоҳни бино қилаётган вақтида) турган ўрнини намозгоҳ қилиб олинг, (дедик) ва Иброҳим билан Исмоилга: «Менинг байтимни тавоф қилгувчилар, ўша ерда ибодат қилиб турувчилар, руку — сужуд эгалари учун пок тутинг», деб буюрдик.**” Сўнг имкони бўлса, Мақоми Иброҳимнинг орқасида унга яқинроқ жойда икки ракаат намоз ўқийди. Агар тикилинч бўлса, узоқроқда ўқиса ҳам бўлади. Бу намознинг биринчи ракаатида Кофирун сурасини иккинчи ракаатида Ихлос сурасини ўқилади. Тавофнинг икки ракаатини ўқигандан сўнг Замзам сувидан қониққанча ичади. Сўнг имкони бўлса, Қора тошга қайтиб бориб уни силайди. Имкони бўлмаса, унга кўли билан ишора қилмайди. Сўнг Сафо тоғи тарафга юради. Уни кўрганда Бақара сурасининг 158-ояти:

۱۵۸:

оятини ўқийди. Маъноси: Албатта Сафо ва Марва Оллоҳ (*буюрган*) маросимлардандир. Шундай экан, ким ҳаж ёки умра қилса, у икки тоғ орасида саъй қилишининг гуноҳи йўқдир. Ва ким ўз ихтиёрига яхшиликни ният қилса, бас, албатта Оллоҳ шукр қилгувчи (*тақдирловчи*) ва билгувчидир. (*Бақара: 158*) Сўнг Сафога чиқади ва Каъбага юзланиб икки кўлини кўтарган ҳолда Оллоҳга ҳамд айтади ва хоҳлаган нарсаларини сўраб унга дуо қилади. Пайғамбаримиз (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) Сафо ва Марванинг устида: “Ла илаҳа иллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодийр, ла илаҳа иллоҳу ваҳдах, анжаза ваъдах, ва насоро абдах, ва ҳазамал-аҳзаба ваҳдах”-деб уч марта тақрорлар ва шулар орасида дуо қилар эдилар.

Сўнг Сафодан Марва тарафга қараб юради. Яшил чироқли белгига етгач имкони борича бировга озор бермай кейинги яшил чироқли белгигача тез югуради. Кейин Марвага етиб боргунча одатдагидай оддий юради. Етиб келгач, унинг устига чиқади ва Қиблага юзланиб икки қўлини кўтарганча Сафо устида қилган зикр ва дуоларни қилади. Сўнг Марвадан Сафога қараб юрадиган ўринларда юриб, чопадиган ўринларда югуриб боради. Сўнг Сафога чиқади ва Каъбага юзланиб икки қўлини кўтарган ҳолда биринчи марта қилганидек дуо қилади. Саъйнинг қолган қисмида ўзи ёқтирган зикр, кироат ва дуоларни айтади. Сафо ва Марванинг устига чиқиш ва иккита яшил чироқли белги орасида югуриш вожиб эмас, балки суннатдир. Сафо билан Марва орасида етти марта умранинг саъйини қилади. Уни Сафодан бошлаб Марвада тугатади. Саъйнинг ҳар мартасида эркаклар иккита яшил чироқли белги орасида югурадилар. Аёллар учун бу машруъ эмас. Саъйни тугатгандан сўнг эркаклар сочларини қириб олдирадидлар ёки қисқартирадидлар. Қириб олдириш афзал, чунки Пайғамбаримиз сочни қириб олдирганлар ҳақиқага уч марта Оллоҳдан раҳмат сўраб дуо қилганлар, қисқартирганлар ҳақиқага эса бир марта дуо қилганлар. (Муслим ривояти, 8/287, ҳадис рақами: 3206)

Аёллар эса сочларини учидан бир бармоқ учи миқдорида қисқартирадидлар. Шу билан умра амаллари якунланади. Шундан сўнг эҳром либосларини ечиб, ўз кийимларини кийишади. Энди атир суриш, соч ва тирноқларни олиш ва ўз аёлига қўшилиш каби эҳромда ҳаром қилинган нарсаларнинг ҳаммаси ҳалол бўлади. (Мажмуъул фатово, Ибни Усаймийн, 241/31-36)

:

:

· ·

Ойша (*розияллоҳу анҳа*) ривоят қилиб: “Эй Расулуллоҳ. Жиход энг афзал амал-деб биламиз, жиход қилмайликми?– дедилар. Шунда Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*): “Сизлар учун жиходнинг энг афзали мабрур ҳаждир.”-дедилар. (Муттафақун алайҳ)

## Шарҳ:

Қуръон ва суннатда жиходнинг фазилати ҳақида кўп оят ва ҳадислар келганлиги учун Ойша (*розияллоҳу анҳа*): “Жиход энг афзал амал-деб биламиз.”-деган эканлар. Ҳажда киши ўз ҳавойи нафси билан курашганлиги учун уни жиход деб номладилар. Бу ҳадисда аёллар учун жиходнинг энг афзали мабрур ҳаж қилиш эканлиги баён қилинган. (Фатҳул-Борий, Ибни Ҳажар, 5/156).

*Давоми бор*